— Бир донишманд айтган экан: шундай яшагинки, одамлар сен билан тўқнашганларида табассум қилсинлар, сен билан гаплашганларида эса озгина бўлса ҳам бахтли бўлсинлар! Тўғри, барчани, ҳатто,

# Ибрат китоби

икки кишилик жамоага раҳбар бўлсангиз ҳам, бирдек рози қилиш мушкул. Ўзгалар кўнглидан жой олиш эса ундан қийин. Чунки, ҳар ким ўзича бир олам. Сайёрамизда етти миллиард одам яшайди. Бу етти миллиард тақдир, етти миллиард яшаш тарзи, яна шунча орзу-ҳавас... деганидир. Лекин, миллатидан, динию этиқодидан, касби-коридан қатъи назар барчанинг мақсади битта — яшаш завқи. Ким билсин, балки барча қатори ишлагандирман, эҳтимол ҳаёт моҳияти ҳақида бошқаларга ниманидир ўқитишга маънан ҳаққим йўқдир, лекин алоқа соҳасидаги ярим асрлик фаолиятим давомида шуни англаб етдимки, инсон ўзининг бошқаларга керакли эканлигини доимо ҳис қилиб яшаш — ҳаёт мазмуни, тириклик моҳияти экан. Ҳеч кимга кераксиз бўлиш бу жуда ёмон.

Шунинг учун нафақат ишда, оилада ҳам, қавму қариндошлар, ёру дўстлар орасида ҳам ҳар доим керакли одам бўлишга интилиб яшадим. Қасрда, катта-кичик ҳар қандай вазифада ишламай, энг аввало, фойдали лойиҳалар, гоёлар, янгиликларни амалга оширишга ҳаракат қилдим. Менинг ўша таклифларим озгина бўлса ҳам ижобий натижа берганда ўзимдан қониқиб

ҳосил қилардим ва бу қониқиб мени янада кўпроқ ишлашга ундарди. Эскилардан қолган бир гап борку, одам ейиш учун яшамаслиги керак, балки яшаш учун ейиши керак, деган. Шу ақида менга ҳаётим давомида дастуриламал бўлган.

— Соҳанинг ўтмишидан жуда яхши хабардорсиз, бугунги тараққиётида эса ҳис-

сангиз катта. Келажак тасаввурларингиз қандай?

— Соҳанинг бугунги ривожланишини давримиз одамларининг барчаси билиб турибди. Менда эса ўтмиш билан солиштириш имконияти бор. Аввало, айтишим керакки, мамлакатимизда нафақат алоқа соҳасида, балки барча соҳаларда, тизимларда ўзгаришлар, ривожланишлар изчил олиб бориляпти. Айниқса, истиқлолгача бўлган давр билан солиштирганда ер билан осмонча фарқи сезаман. Оддий мисол, бир пайтлар қайсидир бошқа ташкилотга ёки вилоятга факс жўнатмоқчи бўлсак, марказий телеграфга боришимизга тўғри келарди... Ҳозирчи? Ўзингиз кўриб турибсиз, компютерлар бугун оддий телевизордек гап — ҳар бир хонадонда, иш жойида бор. Ҳали тузукроқ гапиришни билмаган бола ҳам бемалол у билан тиллаша оляпти. Барчанинг қўлида энг сўнгги русумдаги қўл телефони, энг қувонарлиси, бундай қурилмалар ўзимизда ишлаб чиқарилляпти ўзбек ёшлари томонидан...

Келажакдаги ривожланиш бундан ҳам шиддатли бўлиши табиий. Чунки, алоқа соҳасини ривожлантиришга ҳукумат сиёсати даража-сида қаралляпти. Менимча, ҳукума-

тимиз томонидан чиқарилаётган фармон, қарор ва меъёрий ҳужжатларнинг салмоқли қисми бизнинг соҳага тегишли бўлса керак. Забати оддий: бугунги замонавий дунёдаги бошқа барча соҳаларнинг тараққиёти айнан бизнинг соҳа ривожига боғлиқ. Қайсики соҳа ўз фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланса, ўша соҳа албатта ривожланади. Бу дунё тажрибасида исботланган.

— Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси жамғармасини бошқаряпсиз. Айтинг-чи, жамғарма олдида қўйган вазифаларни қанчалик бажара оляпти?

— Амалга оширилган ва оширилаётган ишларни санасам балки мақтаниш бўлиб қолар. Аммо шу жамғарма тузилишидан олдин қандай мақсад-муддао кўзланган бўлса, барчасига аста-секин эришиб келяпмиз. Биласиз, пойтахтда Алоқа тарихи музейи очилганига кўп бўлгани йўқ, лекин шу қисқа даврда мамлакатимиздаги етакчи музейлар сафидан муносиб жой олиб улгурдик. Керак бўлса, қайсидир иш тажрибамизни бошқа ҳамкасбларимиз ўрганишяпти. Музейлар фаолияти буйича ўтказиладиган муҳим анжуман ва йиғилишларда фаол иштирок этиб, ўз ютуқларимиз билан ўртоқлашяпмиз. Буларнинг барчаси соҳа раҳбариятининг музейимизга бераётган катта эътибори самарасидир.

— Равшан ака, суҳбатингиз учун сизга миннатдорлик билдирган ҳолда, муборак етмиш ёшингиз билан табриклаймиз. Оилангизга бош бўлиб, фарзанд ва набираларингиз камолини кўриб юринг.

— Йўқлаганингиз учун сизларга ҳам раҳмат. "Xabar" орқали барча алоқачиларга сийҳат-саломатлик тилаб қоламан!

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ  
суҳбатлашди

## Ҳамиша йўлда

Ўзбекистон Республикаси Бутунжаҳон почта иттифоқига аъзо бўлганига бу йил 20 йил тўлди. Шу қўтлуғ сана муносабати билан почта хизмати ходимлари фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида "Ўзбекистон почтаси" АЖ Хоразм филиалининг Урганч шаҳар почта алоқаси тармоғига йўл олдик.

— Жамоамизда юздан ортиқ ходим фаолият кўрсатяпти. Шулардан қирқ нафари почтачи вазифасида ишляпти, — дейди филиалнинг ишлаб чиқарувчи участка муҳандиси Санобар Рустамова. — Зиммамизга жўнатма, бандерол, хат ва пул жўнатмаларини қабул қилиш ва кўрсатилган манзилга жўнатиш, турли даврий нашрларга аҳолини обуна қилиш, обуначиларга газета ва журналларни ўз вақтида етказиш, шунингдек, пенсия пулларини тарқатиш каби ишлар юклатилган ва бу вазифани сийқидилдан бажаряпмиз.

Филиалнинг Урганч шаҳар почта алоқаси тармоғида 15 мингдан ортиқ пенсия олувчилар ҳисобда туради. Уларга газета-журналлар ва

бошқа даврий нашрларни тарқатиш билан бирга пенсия пулларини ҳам эгаларига бевуқсон етказиб бераётган ходимлардан бири 2-алоқа бўлими почтачиси Наргиза Отажоновадир. У 16 йилдан буён шу соҳада ишляпти. Икки қизнинг севимли онаси, бир нафар набиранинг меҳрибон бувиси бўлган Наргиза Отажонова бўлимдаги кўпгина ёшларнинг устози ҳамдир. Бугунги кунда Наргиза Ёқубова, Саодат Собирова, Садоқат Матёқубова каби ёшлар ундан соҳа сирларини ўрганиб келишмоқда.

— Касб тақозоси билан шаҳримиз кўчаларида, маҳаллаларда аҳолига почтани элтиб бериш масъулияти тўфайли кўп воқеалар гувоҳи бўлганман, ўзим ҳам буларда иштирок этганман, — дейди Наргиза опа. — Бир кунги тушлик пайтида нафақа пулини бериш учун шаҳримиздаги хонадонлардан бирини эшигини тақиллатдим. Ёшгина келинчак эшикни очди. Лекин, эшикни очди-ю менга қараб "вой ёғ куйиб кетди" деб охинонага кирди ва дод, дея фарёд сола бошлади. Ёнғин аланга олган эди. Мен югуриб ичкарига кирдим. Плита устидаги ёғ алангаланиб жувоннинг юзига сачраган экан. Дарҳол унга биринчи ёрдам кўрсатиб, кейин ёнғин хавфсизлиги хизматида кўнги-



Суратда: 2-алоқа бўлими почтачиси Наргиза ОТАЖОНОВА (чапда) ва "Ўзбекистон почтаси" АЖ Хоразм филиали ишлаб чиқаруш участкаси муҳандиси Санобар РУСТАМОВА.

роқ қилдим. Улар ўн дақиқада етиб келишди. Бунга ўхшаш воқеалар бошимдан кўп ўтган...

Ҳа, Наргиза опа ана шундай шижоатли почтачи экан. Ҳамиша ёрдамга шай почтачимизга барака топинг, асло кам бўлманг, деймиз.

Нилуфар ЖАББОРОВА,  
"Xabar"нинг Хоразм вилоятидаги мухбири



Олимларнинг баъорат қилишича, XXI аср инсоншунослик, яъни психология, педагогика, гуманитар ва жамият ҳақидаги фанлар соҳасида катта ихтиролар асри бўлади. Биологик ихтиролар, жумладан, клонлаштириш, генларни ўрганиш ва бошқалар алоҳида индивиднинг ҳам, жамият ҳаётининг ҳам кучли тарзда ўзгаришига асос бўлади. Бу жараён ўз ўрнида шахснинг захира, яширин ва бизга маълум бўлмаган имкониятлари тўғрисида янги билимларни кашф этади. Демак, инсон ва унинг маънавияти, тарбияси, таълимнинг мазмуни, усуллари ҳам ўзгаради.

Бугунги кунда таълим ва тарбиянинг муҳим вазифаларидан бири дунёнинг глобаллашуви ва ахборот коммуникацияларининг ривож билан боғлиқ. Глобаллашув, сис-сатчиларнинг таърифи билан айтганда, бу — барча мамлакатларнинг ишлаб

чиқариши ва алмашувининг, бутун ҳудудлар ва ҳаттоки континентлар иқтисодий интеграциясининг ўзаро боғлиқлиги, алоқдорлигининг кучайишидир. Ўз ўрнида бугун ҳар қандай мамлакатнинг тараққиётини ахборот технологияларисиз тасаввур этиш мумкин эмас.

Технология тушунчаси техникавий тараққиёт билан боғлиқ ҳолда фанга 1872 йили кириб келди. Технология юнонча "techné" — санъат, "logos" — маҳорат деган мазмунни англатади. "Технология" атамаси ҳар бир даврда ўзига хос замонавийлик касб этиб, янги-янгиланиб ва такомиллашиб келган. "Педагогик технология"ни таълим бериш жараёнидаги педагогик маҳорат, санъат деб тушуниш мумкин. Ҳар қандай фаолият ё технология, ё санъат бўлиши мумкин. Санъат ички ҳиссиётга, технология фанга асосланади.

Таълим-тарбия жараёни, аввало, бу "ривожланиш" ва "шаклланиш". Мана шу тушунчаларга эътибор қиладиган бўлсак, "ривожланиш" — бу ўзгариш. "Ўзгариш" ҳар бир шахснинг ўз ҳаётида ижобий ёки салбий жараёнда кузатилади. Бундан ташқари, "ривожланиш" атамаси, албатта, инсоннинг барча ҳаётини фаолиятига тегишлидир, яъни тугилишдан то умрининг охиригача бўлган масофани ўз ичига олади. "Шаклланиш" — тарбиянинг ташқи муҳит таъсири остида шахснинг шаклланиши дейилади, яъни ижтимоий муҳит, оила ёки маълум ижтимоий гуруҳ. Шахснинг ривожланиши инсон умри давомида кузатилади, шаклланиш эса умрининг ҳаёт фаолиятидаги биринчи қадамданок ўз ўрнини эгаллайди. Демак, тарбия жараёни-

ФУҚАРОЛАР КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУНЛАРГА РИОЯ ЭТИШГА, БОШҚА КИШИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ЭРКИНЛИКЛАРИ, ШАЪНИ ВА ҚАДР-ҚИММАТИНИ ҲУРМАТ ҚИЛИШГА МАЖБУРДИРЛАР.



Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, XI боб, 48-модда.

## Глобаллашув даврида ахборот технологиялари

**Ўзлигини англаш, ўз-ўзини бошқариш шахс ва жамият тараққиёти, такомиллашувининг бош мезони, маънавий-мафқуравий тарбиянинг пойдеворидир.**

нинг муҳим жиҳати "шахснинг шаклланиши" ҳисобланади.

Ушбу ўринда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, ижтимоий фаоллик ҳар бир шахсга хос бўлган хусусият. Чунки шахс ижтимоий онгли мавжудотдир. Кишида жамики инсоний фазилатлар асосан ижтимоий омиллар орқали шаклланади ва тарбияланади. Кишига таъсир этувчи ижтимоий омиллар турли-туман бўлганлиги сабабли, ижтимоий фаоллик ҳам унинг бутун борлигида ўз ифодасини топади.

Социологик ва психологик тадқиқотларда қайд этилишича, шахсдаги ижтимоий фаолликнинг асосини ўзлигини англаш ва ўз-ўзини бошқариш ташкил этади. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, ўзлигини англаш ва ўз-ўзини бошқариш кишидаги маънавий комилликни, соғлом турмуш тарзини ҳам ифодалайди. Демак, ўзлигини англаш, ўз-ўзини бошқариш шахс ва жамият тараққиёти, такомиллашувининг бош мезони, маънавий-мафқуравий тарбиянинг пойдеворидир.

Инсон шахсининг шаклланиши — энг нодир социал-психологик янгиликдир. Бу борада оила ва жамият ўртасидаги муносиблик жамиятнинг интеллектуал ютуғи ҳисобланади. Гап шундаки, ижтимоий шахс шаклланиши биланоқ, у ўз-ўзини

англашга, ўз-ўзини тарбиялашга катта маънавий эҳтиёж сезади. Шахс учун ўзининг жамият олдиди, ота-она, жамоа олдиди инсоний бурчини ижтимоий ўзгаришлар учун дахлдорлик ҳиссини чуқур англашга ҳосил. Шахснинг шаклланиши билан ижтимоий муҳит таъсири ўзини ўзи бошқарувчи, ўзини-ўзи ривожлантирувчи қудратли механизм ишлаб беради.

Ижтимоий фаол шахсни шакллантириш ва ахборот-коммуникация ҳамда педагогик технологияларни қўллашда замонавий усул ва воситалардан фойдаланиб, бу борада куйидаги вазифаларни амалга ошириш зарур:

- фаол шахснинг муҳим хислати — хорийжий тилларни билиши;
- интернетдан олинаётган материалларнинг тўғри ва нотўғрилигини ажрата билиши;
- бугунги кунда мураббий фаолиятига катта эътибор қаратиши;
- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини мукамал ўрганиш ҳамда ушбу қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялашда янгича замонавий ахборот-коммуникация, педагогик технологиялардан, интерактив дарс усулларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Ёшларни тарбиявий жиҳатдан юксак бўлишида, буюк алломаларимизнинг таълим-тарбия усуллари ва улар ҳақидаги кичик-кичик сюжетларнинг аҳамияти катта.

**Ўлмасбек КАРИМОВ,**  
ТАТУ Фарғона филиали катта ўқитувчиси,  
Баҳромжон МАМАТҚУЛОВ,  
филиал талабаси



"Ўзбекистон почтаси" АЖ Андижон филиали Олтинкўл тумани почта алоқаси тармоғининг "Бўстон" алоқа бўлими почтачилари доимий равишда маҳалла аҳли билан мулоқотлар ўтказиб туришади. Ана шу учрашувларни ташкил қилишда бўлим бошлиғи Ҳаётбек АКРОМОВ (чапда) уларга бош-қош.

Т.ФОҒУРОВ олган сурат

## Қутлуғ марказ

Мутахассис Аслижон Каримов раҳбарлигида фаолият олиб бораётган Қўштепа тумани транспорт ва йўл қўриқчи касб-ҳунар коллежи ахборот-ресурс маркази ходимлари замонавий ахборот воситалари орқали адабиётимизни кенг тарғиб этиш, интернет имкониятларидан фойдаланиб, етук бадиий асарларни ёшларга етказиш йўлида доимий ишланмоқда.

Бу ҳаракат ўз натижаларини берапти. Жумладан, 2014 йилнинг январ ойида ўтказилган фан олимпиадаларининг туман босқичида уч нафар ўқувчи голиб деб топилди. Инглиз тили, физика, кимё фанларидан голиб бўлган ўқувчилар фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

Айни кунда АРМнинг китоб сақлаш бўлимида 3974 донга адабиёт мавжуд. Марказ туман ва вилоят миқёсида йил давомида ўтказилаётган кўрик-танловларда фаол қатнашиб келмоқда. Чунончи, ҳуқуқшунослик фани ўқитувчилари И.Зокиров ва А.Сулаймонов, С.Солиқовалар раҳбарлигида ташкил этилган "Шижоат нур" жамоаси вилоятда ўтказилган "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танловида 3-ўринни, "Ёш истеъмолчилар" жамоаси туманда 1-ўринни, вилоят миқёсида ўтказилган кўрик-танловда 3-ўринни эгаллади.

— Марказ қироатхонасида турли мавзуларда кўргазмалар ташкил этилган, — дейди коллеж раҳбари Қодиржон Эминов. — Коллежнинг "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоты етакчиси Камолот Мирзаҳақимова, фан ўқитувчилари Дилнавоз Эргашева, Хусни Юсупова, Алишер Сулаймоновлар сингари марказ иш фаолиятида фаол қатнашиб келмоқдалар. Садбар Абзимова, Аҳад Акбаров, Аваз Авазов, Акрам Абдулхамидов, Робия Абдусатторова каби ўқувчилар АРМда ўтказилаётган тадбирларда намуна кўрсатишяпти.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ



ФАРЗАНДЛАР ОТА-ОНАЛАРИНИНГ НАСЛ-НАСАБИДАН ВА ФУҚАРОЛИК  
 ҲОЛАТИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, ҚОНУН ОЛДИДА ТЕНГДИРЛАР.  
 ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК ДАВЛАТ ТОМОНИДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, XIV боб, 65-модда.



АКТ-ХАВАРЛАР

visitkashkadarya.uz  
 сайёҳлар учун

Қашқадарё вилоятининг  
 туризм салоҳиятини  
 таъминлаш мақсадида  
 visitkashkadarya.uz портали  
 ишга туширилди.

Тошкентдаги "BePro" маркази дастурчилари томонидан яратилган мазкур порталнинг бошқа сайтлардан фарқли жиҳати шундаки, у тепадан пастга томон эмас, балки чапдан ўнгга варақланади. Сайт ҳозирча фақат рус тилида, тез орада инглиз тилидаги талқини ҳам очилади. Сайтнинг "Сайёҳлар учун маълумотнома" рукнидан сайёҳларни ўтказиш тартиби, божхона қоидалари, визани расмийлаштириш тартиби, валюта алмаштириш қоидалари ва мавжуд шохобчалар, зарурат туғилиши мумкин бўлган телефон рақамлари ҳақида маълумотлар ўрин олган.

Табиатшуносларга  
 аталган сайт

Тошкентда Табиатни  
 муҳофаза қилиш давлат  
 қўмитаси ҳамда "Синер  
 ЕНК" экологик ноширлик  
 компанияси томонидан  
 tabiatnoma.uz ва  
 chemicalnews.uz сайтлари  
 нинг тақдироти ўтказилди.

Tabiatnoma.uz сайти болалик даврдан экологик маданиятни тарбиялаш, болаларда табиатга нисбатан эҳтиёткорона муносабатларни шакллантириш мақсадида яратилди. Chemicalnews.uz сайти эса кимёвий хавфсизлик ва экологик мувозанатни сақлашнинг корхоналар фаолияти назорати билан боғлиқ муҳим таркибий йўналишлари, шунингдек, аҳолининг кимёвий хавфсизликка амал қилиши қоидалари тўғрисидаги муҳим маълумотлар билан бойитиб борилади. Сайт материаллари республикада фаолият кўрсатаётган йирик кимёвий ишлаб чиқариш заводлари, экологик хавфсизликни назорат қилувчи бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда тайёрланади. Тақдимотда ҳар икки янги сайт ҳам республикада атроф-муҳитни асраш, биохилма-хилликни сақлаш, табиий оғирлардан одилона ва оқилона фойдаланиш ҳамда бу борада аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, ёшларнинг экологияга бўлган муносабатини мувофиқлаштиришга хизмат қилиши таъкидланди.

## Ҳаракатга яраша САМАРА



Суратда: Самарқанд АКМ директори Шаҳодат АҲМЕДОВА бош кутубхоначи Зарифа ШАРАПОВА билан марказнинг электрон нашрлар бўлимини кўздан кечиришмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 февралдаги "2011-2015 йилларда ахборот коммуникация технологиялари негизда ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурслар хизматлари кўрсатишни сифат жиҳатидан ривожлантиришни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида А.С.Пушкин номидаги Самарқанд вилоят ахборот-кутубхона марказида кўзга кўринарли ишлар амалга ошириб бориляпти.

Ўтган даврда марказ томонидан "АРМларда KaDaTa дастурлари жараёни", "Фондларни қайта баҳолаш", "Китобхонларни кутубхонага жалб этиш методикаси", "Электрон каталог" номли 20га яқин меъёрий ҳужжатлар, "Соғлом бола йили", "Энг яхши ахборот муасасаси ходими", "Интернетдан фойдаланиш маданияти", "Ёшлар ва ахборот марказлари" мавзуларида 20 дан ортиқ илмий-услубий тавсияномалар, "АКТ ва кутубхоначилик сабоқлари", "Таълим йўналишида электрон ресурсларни ташкил этиш", "Ўзбекистонда давлат библиографиясини юритиш" мавзуларида ўндан зиёд амалий машғулот ва ўқув семинари ўтказилди.

Бугунги кунда марказ оёйга 79 мингдан ортиқ китобхонларга хизмат кўрсатади, кунлик кўрсаткич ўртача ҳисобда 200 нафар китобхонни ташкил этади.

Китобхонлар ўртасида "Гийёванликка қарши курашамиз", "Ўз йўлингни ўзинг танла", "Бешик тебратар дунёни", "Сиз ёлғиз эмасиз", "Севимли шоирларимиз", "Хотира ва қадрлаш — энг юксак туйғу", "Ака-ука эртақчи Гримм асарларини ўрганамиз" мавзуларида оммавий тадбирлар, учрашувлар, баҳс-мунозаралар, "Брейн-ринг" ўйинлари ҳамда вилоятдаги рус, арман, турк, корейс маданият марказлари ҳамкорлигида "Адабиёт ва санъат миллат танламайди" мавзуида анжуманлар ўтказилди.

Марказ мутахассислари томонидан — "Абдулла Орипов", "Мустиқиллигимиз абадий бўлсин", "Муҳаммад Юсуф", "Самарқанд қоғози", "Буёқ ва муқаддасан, мустақил Ватан!", "Ватан ҳимояси муқаддас бурч", "Абдулла Қаҳҳор", "Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти", "Самарқанд қарвонлари", "Ўзбекистон обидаларига дурдона битиклар", "А.Навоий навоси — миллий рух

давоси", "Шоҳлик ва шоирлик заҳмати" номли мултимедиа нарх этилиб, чекка туманлар ва шаҳарда жойлашган кутубхона муассасаларига тақдим этиб келинмоқда.

— Беш йилдан буён АКТ йўналишидаги касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари амалиётни марказимизда ўтказиб келишяпти, — дейди АКМ директори Шаҳодат Аҳмедова. — Шу йилнинг ўзида касб-ҳунар коллежларидан 135 нафар ўқувчи, ТАТУ Самарқанд филиали талабаларидан 14 нафар битирувчи талаба ахборот технологиялари бўлими, компютер зали сектори, рақамлаштириш сектори, илмий-услубий бўлими, китобхонларга хизмат кўрсатиш бўлимларида ўз малакасини оширди.

"Соғлом бола йили Давлат дастури" ижросини таъминлаш мақсадида АКМнинг 20 ёшдан 35 ёшгача бўлган ходимлари ва уларнинг ўн ёшгача бўлган болалари ўртасида "Соғлом бола — соғлом келажак гарови" шиори остида кўрик-танлов ташкил этилди. Танлов иштирокчиларининг барчасига эсдалик совғалари берилди, болажонларга ўйинчоқ ва ширинликлар улашилди.

Шунингдек, волейбол, шахмат, шашка, стол тенниси бўйича шаҳар, вилоят ҳамда республика

миқёсидаги мусобақаларда В.Кобзев, З.Шарапова, З.Джунаидова, И.Джунаидова каби ёш ходимлар фаол қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллашди ва медалларга сазовор бўлишди.

— Кутубхонамиз қошида доимий равишда Ёш кутубхоначилар мактаби фаолият юритмоқда, — дейди биз билан суҳбатда АКМ услубий бўлими мудири Маҳбуба Кулова. — Марказимизда узоқ йиллардан буён ишлаб келаётган устоз ходимлар, улкан ҳаётий тажрибага эга бўлган мутахассислар доимий ҳаракатдаги мактабнинг ўқув жараёнига жалб этилган. Мактаб тингловчилари рўйхати, ўқув дастури режаси ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу режа асосида иш олиб бориляпти.

Кутубхона ходимлари олиб бораётган ишлар самарали бўлаётир. Уларнинг меҳнати юқори ташкилотлар томонидан инобатта олиниб, рағбатлантириб борилмоқда. Жумладан, жорий йилда илмий услубий бўлими мудири Маҳбуба Кулова Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг "Фахрий ёрлиғи"ни олди, ахборот технологиялари бўлими мудири Равшан Амиров Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Самарқанд вилояти кенгаши ва "Камолот" ЁИХ вилоят кенгашининг "Энг фаол ёш дастурчи" номинацияси голиби бўлди.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,  
 "Xabar"нинг Самарқанд вилоятдаги мухбири

Жорий йилда ахборот-кутубхона марказига бириктирилган АКТ йўналишидаги 6та коллеж ҳамда ТАТУ Самарқанд филиали АРМларига жами 144 номда, 665 нусхада янги адабиётлар, журналлар, плакатлар, мултимедиа CDлар тақдим этилди.



## ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

## БАРЧА ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР, ШУ ЖУМЛАДАН, ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИТОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 192-қарорига асосан "RELE VA AVTOMATIKA" акциядорлик жамияти ҳамда "REALTOR-CONSULTING GROUP" масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич нархи босқич-ма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказилган оқибат аукцион савдоларига таклиф этади.

**2014 йил 31 октябр соат 11.00да** Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй манзилида ташкил қилинадиган савдоларга "RELE VA AVTOMATIKA" акциядорлик жамиятининг 2014 йил 16 октябрдаги 106-бюроутмасига асосан Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган умумий майдони 4832,0 кв.метрдан иборат бўлган қурилиши тугалланмаган Литер-0008 (БЛОК Е) майдони 3616,0 кв.метрдан иборат 4 қаватли ҳамда Литер 0009 (БЛОК Е1) майдони 1216,0 кв.метрдан иборат 1 қаватли бинолари биргаллиқ муважассам ҳолда тақдоран қўйилмоқда.

**Бошланғич нархи:** 1 664 933 000 (Бир миллиард олти юз олтинчи тўрт миллион тўққиз юз ўттиз уч минг) сўм.

**Фаолият ихтисоси:** Тадбиркорлик ва объект негизда истиқболли ишлаб чиқариш фаолиятини яратиш.

### Талабдорлар диққатига!

Аукцион савдоларига иштирок этиш учун бюртманомалар аукцион ташкилотчиси томонидан расмий иш кунлари 2014 йил 30 октябр кунин соат 10.00дан 16.00гача қабул қилинади. (13.00дан 14.00гача тушлик).

2014 йил 31 октябр кунин аукцион савдолари бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2014 йил 7, 14, 21 ноябр кунлари соат 11.00да ташкил қилинади.

2014 йил 7 ноябр куниндаги савдолар учун бюртманомалар 2014 йил 6 ноябр кунин, 2014 йил 14 ноябр куниндаги савдолар учун бюртманомалар 2014 йил 13 ноябр кунин, 2014 йил 21 ноябр куниндаги савдолар учун бюртманомалар 2014 йил 20 ноябр кунин соат

10.00дан соат 16.00гача қабул расмий иш кунларида қабул қилинади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича қолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кейинки мутовуви билан олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 3 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат тўловини тузиладиган закатат келишувига асосан аукцион ташкилотчиси "REALTOR-CONSULTING GROUP" масъулияти чекланган жамиятининг СТИР: 207186573, ОКОНХ: 83400, МФО: 00452, АТБ "Қишлоқ қурилиш банк"и Тошкент шаҳар минтақавий филиалидаги 20208000700234536001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аукцион ташкилотчиси талабдор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қўйилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда бюртманомани икки нусхада тақдим этади:

Юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномадан ва уставининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси, шунингдек, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, унинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

Жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, шунингдек, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, унинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

Аукцион ўтказиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закатат тўланганлиги тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Бюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

Аукцион ташкилотчиси — "REALTOR-CONSULTING GROUP" МСҶ  
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Лицензия RR 0170, тел: 8 371 233-21-18.

Интернетдаги манзилимиз: www.rcg.uz e-mail: rc.group@inbox.ru

Хизматлар лицензияланган

## "REALTOR-CONSULTING GROUP" MCHJ Buxoro filiali ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-қарори, Шофиркон тумани ҳокимининг 2014 йил 26 июлдаги 394-қарори ҳамда туман ҳокимининг 2014 йил 2 октябрдаги 397-хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қўйилган ер участкаларида доимий фойдаланиш ҳуқуқи тақдоран танловга қўйилмоқда:

Шофиркон тумани, Х.Ориф МФЙ, Х.Ориф кўчаси худудидан аттракцион куриш учун ҳар бирининг майдони 375,0 кв.метрдан иборат 8та участкадан доимий фойдаланиш ҳуқуқи.

**Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 237 100 сўм.**

Танловда иштирок этиш истагидаги талабдорлардан бюртманомаларни қабул қилиш мақсуд хабарнома эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10.00дан 16.00гача қабул қилинади. (13.00дан 14.00гача тушлик). Бюртманомаларни қабул қилиш 2014 йил 19 ноябр кунин соат 18.00да тўхтатилади.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабдорларнинг таклифлари Шофиркон тумани ҳокимлиги биносига 2014 йил 20 ноябр кунин соат 11.00дан бошлаб очилади ва талабдорларнинг таклифлари (конвертлар) очилган санадан бошлаб 10 календар куниндан ортиқ бўлмаган муддатда танлов қолиби аниқланади.

2014 йил 20 ноябр кунинда танлов бўлиб ўтмаган тақдирда, танлов ўтказилмаган ер участкалари бўйича 2014 йил 27 ноябр ва 2014 йил 4 декабр кунлари соат 11.00да такрорий танлов ўтказилади. 2014 йил 27 ноябр куниндаги такрорий танловга бюртманомаларни қабул қилиш 2014 йил 26 ноябр кунин соат 18.00да, 2014 йил 4 декабр куниндаги такрорий танловга бюртманомаларни қабул қилиш 2014 йил 3 декабр кунин соат 18.00да тўхтатилади.

### Талабдорлар диққатига!

Маъжбуриятларнинг бошланғич ҳажми, шакллари

ва шартлари туман архитектура ва қурилиш бошқармаси томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади.

Танловда иштирок этиш истагидаги талабдорлар закатат пули тўғрисидаги келишув имзоланганидан сўнг танлов ташкилотчисига қўйилган ҳужжатларни бюртманомана билан икки нусхада тақдим этадилар. Юридик шахслар: давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва уставининг нусхаси; Жисмоний шахслар: паспорт нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашганда унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда белгиланган тартибдаги расмийлаштирилган ишончнома; закатат пули тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатининг нусхаси ҳамда танлов ҳужжатлари талабдорга мувофиқ тузилган, муҳрланган конвертлардаги икки нусхадаги танлов таклифи.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабдорнинг муҳри (юридик шахслар учун) ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов комиссияси томонидан танлов ҳужжатлари талабдорга мувофиқ энг юқори таклиф билдирган талабдор танлов қолиби деб топилади.

Талабдорларга уларнинг сўровлари бўйича, энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдордаги тўлов эвазига танлов ҳужжатлари тақдим этилади.

Талабдорлар танлов ҳужжатларини олиш учун тўловларни тузиладиган шартномага ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдордаги закатат тўловини тузиладиган закатат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг ХХТУТ: 83400, СТИР: 207186573, МФО: 00115, ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк"и БВМФдаги 20208000500234536002 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Бюртманомаларни қабул қилиш, танлов ҳужжатларини олиш ҳамда қўшимча маълумот учун манзил ва телефон:

Танлов ташкилотчиси — "REALTOR-CONSULTING GROUP" MCHJ Buxoro filiali.

Манзил: 200100, Бухоро шаҳри, Муस्ताқиллик кўчаси, 10-уй. Лицензия RR 0170,

Интернетдаги манзилимиз: www.rcg.uz, e-mail: rc.group@inbox.ru, тел: + 99865 221-59-24

Хизматлар лицензияланган

## "AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖНИНГ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

2014 йил 18 ноябр кунин соат 11.00да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига Андижон вилояти Шахрихон тумани "Чўжа миришкор ҳосили" ММТП МЧЖ ҳисобидаги 1990 йил и/ч "СА3-3507" русумли д/р 17-АВ-243 (техник носоз) бошланғич баҳоси — 2 837 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси қўйилади. Савдолар "AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖ Андижон вилоят филиалининг савдолар залида бўлиб ўтади. Мақсуд автомашина сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2014 йил 25 ноябр ва 2, 9 декабр кунлари соат 11.00да ўтказилади. Аукцион қолиби томонидан мулкни сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига сотув нархининг 5 фоизи миқдорда комиссия инғим тўланади. Талабдорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00дан 17.00гача қабул қилинади ва аукцион савдоси бошлангичдан бир кун олдин соат 11.00да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабдорлар "Заказат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан сўнг мулк бошланғич баҳосининг 15 (ун беш) фоизи миқдорда закатат пулини "AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖ Андижон вилоят филиалининг АТБ "Агробанк"даги МФО: 00077, СТИР: 302477464, 20208000205015685006 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан бирга қўйилган ҳужжатларни топширишлари керак: жисмоний (юридик) шахсини тасдиқловчи ҳуқуқий ҳужжатлари ва закатат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашганда — ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Манзил: Андижон шаҳри, А.Навойи шохкўчаси, 30-уй, 106-хона. Тел: (+99874) 228-46-53.

2014 йил 18 ноябр кунин соат 12.00да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига АТИБ "Ипотечбанк" Бош амалиёт бошқармаси ҳисобидан қўйилган автотранспорт воситалари чиқарилган: 2008 йил и/ч "Элика" русумли д/р 01/0115АА бошланғич баҳоси — 36 850 000 сўм, 2008 йил и/ч "Эника" русумли д/р 01/797КАА бошланғич баҳоси — 36 450 000 сўм ва 2007 йил и/ч "Митсубиси Галант" русумли д/р 01/710DDA бошланғич баҳоси — 42 750 000 сўм. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабдорлар "Заказат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан сўнг мулк бошланғич баҳосининг 15 (ун беш) фоизи миқдорда закатат пулини тўлашлари керак. Аукцион қолиби томонидан мулкни сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига сотув нархининг 1 фоизи миқдорда комиссия инғим тўланади. 2014 йил 18 ноябр кунин соат 14.00да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига ДАТ "Асакабанк" Тошкент шаҳар филиали ҳисобидаги ҳажми 2,5х2,5м бўлган валюта айирбошлаш шохобчалари чиқарилган, яъни №Б/2 (Кабинет п/пункта обмена валют) бошланғич баҳоси — 750 000 сўм ҳамда №Б/3 (Кюск обмена валют), бошланғич баҳоси — 710 000 сўм. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабдорлар "Заказат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан сўнг мулк бошланғич баҳосининг 15 (ун беш) фоизи миқдорда закатат пулини тўлашлари керак. Аукцион қолиби томонидан мулкни сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига сотув нархининг 5 фоизи миқдорда комиссия инғим тўланади. 2014 йил 18 ноябр кунин соат 16.00да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси ҳисобидаги 2003 йилда ишлаб чиқарилган "Нексия" русумли давлат рақами 01/656QBA бошланғич баҳоси — 13.200 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси қўйилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабдорлар "Заказат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан сўнг мулк бошланғич баҳосининг 20 (иштирама) фоизи миқдорда закатат пулини тўлашлари керак. Аукцион қолиби томонидан мулкни сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига сотув нархининг 5 фоизи миқдорда комиссия инғим тўланади.

Савдолар "AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг савдолар залида бўлиб ўтади. Мақсуд мулклар сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2014 йил 25 ноябр ва 2, 9 декабр кунлари тегишли соатларда ўтказилади. Аукцион қолиблари савдо ўтган кундан бошлаб 20 (иштирама) кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузади. Талабдорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00дан 16.00гача қабул қилинади ва аукцион савдоси бошлангичдан бир кун олдин соат 10.00да тўхтатилади. Заказат пули тўловлари "AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг ХО-АТБ "InfinBANK" банкдаги МФО: 01041, СТИР: 302477464, 20208000505015685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан бирга қўйилган қўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: жисмоний (юридик) шахсини тасдиқловчи ҳуқуқий ҳужжатлари ва закатат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашганда — ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

Манзил: Тошкент шаҳри,

А.Темур 1-торкўчаси, 6-уй.

Тел: (8595) 177-96-74.

Гувоҳнома № 005148



## ВЕЛОСПОРТ

Бангкок (Таиланд)да велоспорт бўйича ўтказилган Осиё кубогига Ўзбекистон спортчилари 1 олтин, 3 кумуш ва 4 бронза медални қўлга киритишди.

В.Тўйчиев гуруҳ пойгаларида олтин, шахсий пойгаларда кумуш медални қўлга киритди. Шахсий ва гуруҳ пойгаларида Д.Сиддиқов биттадан кумуш ва бронза, Е.Кнебелёва иккита бронза медал, яккаликда А.Безуглова кумуш медал билан тақдирланди.

Жамоавий пойгаларда В.Тўйчиев, С.Медведев, Т.Гумиров ва Р.Фёдоровдан иборат терма жамоамиз шохсупанинг учинчи поғонасига кўтарилди.



## САМБО

Жанубий Кореяда ўсмирлар, ёшлар ва қизлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида терма жамоамиз 5 кумуш, 4 бронза медални жамгарди.

Ўттиздан ортиқ давлатдан 400 нафарга яқин спортчи иштирок этган нуфузли мусобақада Ш.Тагиев, Ш.Нурматов, Ф.Холмаматов, Ж.Туркманова ва Ш.Усмонова кумуш, Б.Аловуддинов, Э.Ҳожимаматов, М.Абду-муталова ва С.Саврисева бронза медал билан тақдирланди.

## ШАХМАТ

Озарбайжон пойтахти Бокуда шахмат бўйича эркаклар ўртасидаги FIDE Гран-Приси биринчи босқичи низоғига этди.

Мусобақада ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов ҳам ғолиблик учун донна сурди ва юқунда 11 имкониятдан 5 очко жамгарган ҳолда турнир жадвалида 10-ўринни эгаллади.

Навбатдаги FIDE Гран-Приси жорий йилнинг 20 октябр — 3 ноябр кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.

## ШАРҚ ЯККАКУРАШЛАРИ МАЛИКАСИ-2014

"Туркистон" саройида "Шарқ яккакурашлари маликаси-2014" анъанавий кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда қизларнинг маънавий-маърифий, санъатта оид билим ва маҳорати, пазандалик санъати, кийинчи маданияти синондан ўтказилди.

"Шарқ яккакурашлари маликаси" деган шарафли номга таъжовулдоч Мафтуна Худоёрова сазовор бўлди. Ушу бўйича спорт устаси Камола Қурбонова иккинчи, дзюдо бўйича халқаро мусобақалар совриндори Амина Мамедова учинчи ўринни қўлга киритди.



## УШУ

Пойтахтимиздаги "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуасида якунланган мамлакат чемпионатида 300 нафарга яқин спортчи иштирок этди.

Мусобақада М.Баҳодиров, Э.Раҳимов, Б.Эргашев, Б.Бахшўллаев, Б.Расулов, М.Икромов, Т.Машарипов, М.Камолова, М.Гафуровалар кўрғазмали чиқишда ғолибликни қўлга киритди. Яккама-якка баҳсларда Ҳ.Муҳаммаджонов, Ф.Турсунов, О.Шамшетов, А.Маткаримов, А.Анваров каби спортчилар шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилдилар.

## БОКС

Анджонда ўтказилган анъанавий халқаро турнирда мамлакатимиз ачарм қўлқоп усталари билан бирга Россия ва Қозоғистондан келган жами юз нафардан зиёд спортчи ғолиблик учун куч синашди.

Боксчиларимиздан А.Кўчқоров, Ж.Латипов, М.Мирзахалилов, С.Турғунов, М.Ғоипов, А.Абдуҳакимов, Р.Исмоилов, Б.Жалоловлар олтин медаллар соҳиби бўлишди. Турнирда терма жамоамиз аъзолари жами 8 олтин, 5 кумуш ва 18 бронза медални қўлга киритишди.

## ЎҚ ОТИШ

Пойтахтимизда пневматик қуроллардан ўқ отиш бўйича Ўзбекистон кубоги баҳслари якунланди.

Республикамизнинг турли вилоятларидан келган маҳоратли мерган спортчиларимиз бир неча кун мобайнида ўзларининг нималарга қодир эканликларини намойиш қилишди. Ўтказилган сўнгги беллашувда аёллар ўртасида 10 метр масофадан пневматик милтиқдан ўқ отиш бўйича ғолиб ва совриндорлар аниқланди.

М.Орлова биринчи, Лондон Олимпиадаси қатнашчиси С.Мамедова иккинчи бўлди. Мерганлар баҳсидаги учинчи ўрин М.Семёновага насиб этди.

Ижара — шартнома асосида ижарачининг зарур бўлган мол-мулкка ҳақ эвазига мuddатли эгалик қилиш ва ундан фойдаланишидан иборат.

## Ижара

## Мулк ва тураржой ижараси шартномаси қандай тузилади?

Томонлар маълум мuddатга тузадиган ижара шартномаси ижара муносабатларининг юзага келишига асос бўлади.

Ижара шартномасида ижарага берилган мол-мулкнинг таркиби ва қиймати, уни ижарага бериш тартиби, ижара мuddати, ижара ҳақи шартлари ва миқдори, уни тўлаш мuddатлари, ижарага берувчи ижарачига бериши керак бўлган мол-мулкнинг ҳолати, ижарачининг мол-мулкдан фойдаланиш шартлари, мол-мулкни ижарага берувчига қайтариш тартиби, ижарага берилган мол-мулкни тиклаш ва таъмирлаш юзасидан томоннинг мажбурияти, томонларнинг масъулияти кўзда тутилади. Мол-мулкни ижарага бериш ана шу мол-мулкка эгалик қилиш ҳуқуқининг бошқа кишига ўтказилишига олиб келмайди.

Ижара ҳақи ва мuddатлари ижара шартномасида томонларнинг ўзаро келишувига биноан белгиланади. Ижара ҳақи миқдори томонларнинг ўзаро келишувига биноан ўзгартирилиши мумкин.

Агар ижарачи ижарага олинган мулкнинг ҳолатини ёмонлаштирган бўлса ёки уни ўз вақтида эгасига қайтармаса, шунинг оқибатида етказилган зарарни ижарага берувчига тўлашга мажбурдир.

Мулк ижараси шартномаси бўйича ижарага берувчи ижара олувчига ҳақ эвазига мол-мулкни вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш ёки фойдаланиш учун топшириш мажбуриятини олади.

Мол-мулкни ижарага бериш ҳуқуқи шу мол-мулк эгасига тегишлидир. Қонун ёки мулкдор томонидан мол-мулкни ижарага бериш ваколати берилган бошқа шахслар ҳам ижарага берувчи бўлишлари мумкин.

Кўчмас мулк ижараси шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Агар мулк ижарасининг

мuddати шартномада белгиланмаган бўлса, шартнома ноумайян мuddатга тузилган ҳисобланади. Бунда тарафлардан ҳар бири бошқа тарафни бир ой олдин, кўчмас мулк ижарасида эса — уч ой олдин ёзма равишда огоҳлантириб, истаган пайтда шартномадан воз кечиши мумкин. Қонун ёки шартномада ноумайян мuddатга тузилган мулк ижараси шартномасини бекор қилиш ҳақида олдиндан огоҳлантиришнинг бошқа мuddатлари ҳам белгилаб қўйилиши мумкин.

Ижарага олувчи мол-мулкни яхши ҳолда сақлаши, ижарага олинган мол-мулкни ўз ҳисобидан жорий таъмирлаши ва сақлаш бўйича бошқа харажатларни қилиши лозим.

Тураржой юридик шахсларга эгалик қилиш ва фойдаланиш учун аренда шартномаси асосида берилиши мумкин. Юридик шахс тураржойдан фақат фуқаролар яшashi учун фойдаланиши мумкин.

Тураржой арендаси шартномаси ёзма шаклда тузилиши ҳамда кадастр хизматларида ҳисобга олиниши (рўйхатдан ўтказилиши) лозим.

Тураржой арендаси шартномасида куйидагилар кўрсатилади: тураржойни арендага бериш тартиби ва унинг қиймати, аренда мuddатлари, аренда ҳақи миқдори, уни тўлаш мuddатлари, тураржойнинг,

муҳандислик қурилмаларининг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар, тураржойни қайтариш тартиби, тураржойга қараш, хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш бўйича тарафларнинг мажбуриятлари, шунингдек, тарафларнинг жавобгарлиги.

Арендага берувчи тураржойни яшаш учун яроқли ҳолатда арендага бериши шарт.

Ф.ҒАЗИЕВА,

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани 1-сонли давлат нотариал идораси нотариуси

## Ўтганларнинг охириати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси жамоаси Ахборот-коммуникация технологиялари бошқармаси бошлиғи Олимжон Умарова отаси **Муҳаммадjon УМАРОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этди.

"Xabar" газетаси таҳририяти жамоаси газетанинг Фарғона вилоятидаги муҳбири Ҳафиза Салаядовага волидан муҳтарамаси **МАЛИКА ОНА**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирди.



IBRAT

# Бола ва олма дарахти

Бир болакай ҳар куни катта олма дарахти ёнида ўйнашни жуда яхши кўраркан. Шохларига чиқиб олма ер, туш маҳали соясида мизгир экан. Хуллас, болакай олма, олма эса болакай билан ўйнашни жуда яхши кўриб қолибди. Кунлар ўтибди. Болакай анча улғайибди. Энди олма дарахти олдига ҳар куни келмайдиган бўлибди.

Бир куни бола жуда хафа ҳолда келибди.

— Кел, бирга ўйнаймиз, — дебди дарахт.

— Йўқ, мен энди дарахт атрофида ўйнаб юрадиган болакай эмасман, — деб жавоб берибди у, — турли ўйинчоқларим бўлишини истайман, сотиб олиш учун менда пул йўқ...

— Афсус, пул менда ҳам йўқ, лекин меваларимни териб, сотиб, ўйинчоқлар олишинг мумкин, — дебди қайғуриб дарахт.

Бола ҳаяжонланиб кетибди. У мевалардан узиб олиб, хурсанд ҳолда ортига қайтибди ва шу кетганча яна узоқ вақт дарахт ёнига келмабди. Дарахт эса уни соғинибди, йўлига интизор бўлибди...

Бир куни ҳалиги бола (энди у катта киши эди) яна олма дарахти ёнига келибди. Олма жуда хурсанд бўлиб, ҳаяжонланиб кетибди.

— Кел, ёнимга ўтир, — дебди дарахт.

— Афсус, вақтим йўқ. Оилалиман, уларни боқишим, бошпана қилишим керак. Менга ёрдам бера оласанми?

— Узр, пулим йўқ-да, аммо шохларимни кесиб, ундан уй қур-

санг бўлади, — дебди дарахт.

Киши олма дарахтининг барча шохларини кесиб олиб, хурсанд бўлганича ортига қайтибди. Дарахт уни бахтиёр кўрганидан жуда шодланибди. Аммо... анчагача ёлғиз қолибди.

Иссиқ ёз кунларининг бирида киши дарахт ёнига келиб, унга суянибди.

Олма дарахти зиёратига келган эски қадрдонини кўриб, узида йўқ хурсанд бўлибди ва:

— Кел, суҳбатлашамиз! — дебди.

— Қариялман. Ҳолим йўқ, Чарчаганман. Қани энди бир қайғим бўлса-ю, унда сузиб ҳаёт ташвишларидан йироқлашам... — дебди киши.

Дарахт бир оз жим қолиб, сўнг дебди:

— Кел, танамдан қайиқ ясагин-да, узоқ ерларга сузиб бор, ташвишларинунг, дам ол, ёнимга шодон қайтиб кел...

Киши унинг бақувват танасини арралаб, ундан қайиқ ясабди ва орзуига етибди.

Дарахт кўз ёшлари билан унга табассум қилибди...

Қиссадан ҳисса: Олма дарахти ота-она тимсоли. Улар ҳам боласи учун ҳар қандай қурбонлик қилишга тайёр. Боланинг дарахтга бепарволиги, шафқатсизлиги бизни ачинтирди, лекин ўзимизни кузат-сак, биз ҳам кўп ҳолда ота-онамизга шундай муносабат кўрсатамиз. Уларнинг меҳр-муҳаббатига яраша жавоб қайтаролмаймиз ёки яхшиликларини вақтида қадрламаймиз.

Дилафрўз САЛОҲИДДИН қизи тайёрлади

BRENDOMANIYA

Eight

Eight. Ажойиб бренд — "сак-киз" маъносини англатувчи бу сўзнинг ҳар бир ҳарфи 8 рақамга ўхшатиб ясалган.

Табриклаймиз!

"Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиали жамоаси Чироқчи телекоммуникациялар боғламаси бош муҳавдиси Абдурахмон ГАДОЕВни 60 ёши билан самимий табриклайди. Унга мустақкам соғлиқ, онласига хотиржамлик тилайди.

KONI FOYDA

## ТУРП

Турп иссиқ таомлар билан салат сифатида қўшиб истеъмол қилинадиган сабзавот ҳисобланади. Уни хомлигича ўсимлик ёғи ва сўзма билан истеъмол қилиш фойдали.

Турпнинг таркибида 90 фоиз сувдан иборат бўлиб, шакар, клетчатка, эфир мойлари, дармондорилар, кислоталар, натрий тузи, калий, кальций, магний, фосфор, темир, аминокислоталар, ферментлар ва бошқа турдаги моддалар мавжуд. Унинг таркибидаги кони шифо айрим моддалар фитонцид ва бактерицид хусусиятини таъминлаган. Турпнинг суви қадимдан ичак фаолиятини яхшилаш, соч толаларини мустаҳкамлаш мақсадида қўлланиб келинган. Шунингдек, турп атеросклероз шишларда, пешоб-таносил аъзолари касалликларида ҳам жуда яхши ёрдам беради.

Халқ табобатида турп билан асал аралашмаси ҳар хил жароҳат ва яраларга малҳам ҳисобланади. Қайнатиб пиширилган турп йўталга даво бўлади. У шамоллашга қарши, сийдик ҳайдовчи, балғам кўчирувчи, томоқ ва ўпка касалликларига даво сифатида тавсия этилади.

Турп уруғлари микробларга қирон келтирувчи хусусиятга эга. Турп уруғларини довончада майдалаб, кукун шаклига келтириб, оз миқдордаги сув билан аралаштирилса, тайёр бўлган восита секинлик билан битаётган жароҳат ва яраларнинг тезроқ тuzалишига ёрдам беради.

Ўт пуфаги яллиғланиши ва тош касалликларида турп шарбатини ҳар куни оқшом мунтазам тарзда бир катта пиёла миқдорда истеъмол қилиб туриш тавсия қилинади.

Турп илдизмевасини ошқозон-ичак яраси, яллиғланиши, яъни гастрит, энтерит - ингичка ичак яллиғланиши, гепатит ва айрим юрак касалликларига учраган беморлар истеъмол қилишлари мумкин эмас.

Обуна-2015

Қадри муштарийлар "Xabar" газетасига 2015 йил учун обуна дароом этмоқда!

Нашр кўрсаткичлари: оддий — 228, имтиёзли — 3228



Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИ

Бош муҳаррир Абдусайд КўЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:  
Хуршид МИРЗАХИДОВ (Ҳайат раиси), Махсум МАҲМУДОВ, Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Сувоп НАЖБИДИНОВ, Абдулҳан АбДУРАҲМОҶОНОВ (Бош муҳаррир уринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятта келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланиши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Реклама матнларининг тўричилиги тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

Газета ҳафтанинг жума кунини чикади

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Мянзля: Тошкент шаҳри, "Буёқ Турон" кўчаси, 41-уй.

Г-1065 сонли буюртма. Оффсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 10026 нусха.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент, Бунёдкор шоҳкўчаси, 8-уй. Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БҲРИЕВ. Навбатчи: Усмонжон ЙўЛДОШЕВ.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Вилоят мухбирлари:

Андижонда 226-47-80 Бухорода 715-87-21 Гулистонда 240-00-46 Жиззахда (94) 199-95-64 Навоийда 225-91-10 Нукусда 554-35-45 Самарқандда 230-64-80 Термизда (91)235-88-68 Тошкентда 288-40-66 Урганчда (90) 713-21-40 Фарғонада 244-18-05 Қаршида (93)931-08-99